

2001-yil fevral oyidan
chiqa boshlagan

Buyuk kelajakni birga quramiz!

Ijtimoiy-siyosiy,
ma'naviy-ma'rifiy,
adabiy-badiiy gazeta

2026-YIL, FEVRAL,
№ 3-4 (561-562)

BUKHORO YOSHLARI

БИЗ 25 ЁШДАМИЗ!



**Хурматли оммавий ахборот
воситалари ходимлари,
ёш журналистлар ҳамда
таҳририят жамоаси!**

Барчангизни Ёшлар ишлари бошқармаси муассислигидаги “Buxoro yoshlari” газетасининг ташкил этилганининг 25 йиллиги муносабати билан самимий муборакбод этаман.

Ҳеч шубҳасиз, ушбу нашр ўзига хос тарихи, катта тажриба йўли ва чинаккам муштарийларига эга.

Зеро, ўтган чорак аср давомида газета вилоятимиз ёшларининг овози, орзу-интилишлари ва фаол фуқаролик позициясини ифода этувчи муҳим ахборот минбарига айланди.

Таҳририят жамоаси юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, ёшларга оид давлат сиёсати мазмун-моҳиятини айнан ёшлар нигоҳида ёритиб, уларни ватанпарварлик, фидойилик ва ташаббускорлик руҳида тарбиялаб келмоқда.

Бугунги кунда босма оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар, интернет платформаларининг ўзаро уйғунлашуви асосида интеграциялашган ахборот муҳитини яратиш замон талабига айланди.


Қувонарли томони шундаки, “Buxoro yoshlari” газетаси ўз фаолиятида конвергент оммавий ахборот воситаси, яъни босма ва интернет имкониятларини самарали уйғунлаштириб, давр билан ҳамқадам қадам ташламоқда. Айниқса, таҳририят қошида “Buxoro yoshlari” студиясининг ташкил этилаётгани хабари ҳам бизни беҳад қувонтирди.

Газета сафига иқтидорли, билимли ва ташаббускор ёш кадрларнинг қўшилгани, янгича ёндашувлар, илғор ғоялар ва замонавий журналистика талабларига мос лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилаётгани таҳсинга сазовордир. Бу эса таҳририят жамоасининг юксак салоҳияти ва катта масъулият билан фаолият юритаётганидан далолат беради.


Ишончим комилки, сизлар келгусида ҳам жамият ҳаётидаги долзарб масалаларни ҳолис ва таъсирчан ёритиб, ёшларимизни эзгу мақсадлар сари қорлайдиган, уларни бирлаштирадиган нуфузли ахборот манбаи бўлиб қоласизлар.

Фурсатдан фойдаланиб, барча ёш журналистлар ва таҳририят жамоасига мустаҳкам соғлиқ, ижодий ютуқ ва касбий зафарлар, илҳом ва қаламингизга бардавом барака тилайман!

**Ботир ЗАРИПОВ,
Бухоро вилояти ҳокими.**



QR орқали мақолани SI-аудиода
тинглашингиз мумкин



Муҳаррир минбари

КЕЛАЖАККА ИШОНЧ БИЛАН ҚАДАМ ТАШЛАЁТГАН НАШР

25 йил аввал бу нашрнинг илк сони дунё юзини кўрганида, унинг олдида Бухоро ёшларининг овозига айланиш, уларнинг орзу-интилишлари, дарду қувончларини ифода этишдек улкан мақсад турар эди. Бу йўл осон кечмади. Айниқса, иқтисодий қийинчиликлар, қоғоз танқислиги, молиявий муаммолар, тарқатиш тизимидаги тўсиқлар - буларнинг барчаси “Buxoro yoshlari” жамоасини синади. Чунки, бу газета оддий ахборот варағи эмас, балки, ёшлар ишончи, келажакка умид ва иштиёқ манбаи эди. Шу ишонч бизларга куч берди, шу масъулият бизларни олға етаклади.

Йиллар ўтди. Авлодлар алмашди. Кечаги ёш мухбирлар бугун тажрибали устозларга айланди. Кечаги саҳифаларда чиқиш қилган ёшлар бугун жамиятнинг турли соҳаларида етакчи мутахассис сифатида фаолият юритмоқда. Демак, “Buxoro yoshlari” фақатгина ахборот тарқатиб қолмай, шахсларни тарбиялади, фикрларни уйғотди, позицияни шакллантирди.

Газета 25 йил ичида кўплаб журналистлар учун катта мактаб бўлди. Таҳририят жамоаси эса ишга меҳнат ва масъулият билан ёндошиб, ўз ўқувчилари ишончини сақлаб келмоқда.



QR орқали 25 йиллик
тарихга назар

Бугун 25 йиллик ўтган йўлга назар ташлаб, келгуси марраларни белгилаб олиш фурсати ҳамдир. Илк сонидан ҳозирги сонигача ушбу газета билан ҳамнафас бўлиб келаётганимдан мамнунман.

“Buxoro yoshlari”нинг ушбу шарафли сана муносабати билан Таҳририятнинг бугунги ёш жамоасини, барча собиқ ва ҳозирги ходимларни, бизга елкадош бўлаётган ва биз учун биздан кўп қайғурган Муассисимиз - Бухоро вилоят Ёшлар ишлари бошқармасига, турли тизимларда туриб, қўллаб-қувватлаб келаётган барча ҳамкорларга самимий миннатдорлик билдираимиз. Ишонч билан айтаминки, бу газета бундан кейин ҳам ёшлар руҳини акс эттирувчи, уларни эзгу мақсадлар сари етакловчи нуфузли минбар бўлиб қолади.

Ҳамкорлигимиз мустаҳкам, йўлимиз ёруғ ва мақсадларимиз муштарак бўлсин!

ФАРҒОНАДАН ТАБРИК

Мен интернет орқали “Buxoro yoshlari” газетасини мунтазам қўзатиб келаман. У мавзулар ранг баранглиги, тили ўқимишлилиги, муаммоларни эркин ёритиш билан ҳамиша ажралиб туради. Шу кунларда газетга 25 йил тўлибди. Чорак аср оз муддат эмас. Ҳамкасбларимни табриклайман. Уларга ижодий муваффақият тилайман.



**Муҳаммаджон Обидов,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
журналист.**

Видеолавҳани
QR орқали кўринг.



BUXORO YOSHLARI

давлатчилик ҳамда миллат тақдирига дахлдор масала. Барчамиз “Табиат - бизнинг умумий уйимиз!” деган машхур иборани кўп ишлатамиз. Биз журналистлар учун эса газета-босма оммавий ахборот воситалари умумий уйимиз, қадрдон уйимиз, деган

вуллаб чўғдек бўлиб чиқиб турса, унинг саҳифаларидан дилимизга яқин сўзларни топсак, кўнглимиз ташна бўлиб турган сарлавҳасию, таскинли сўзлари билан дардимизга малҳам бўлиб турса, юрагимиз тўлқинланиши аниқ, Чунки, бу барчамизнинг юзимиз, кўзимиз. Бугун “Янги Ўзбекистон”, “Китоб дунёси”, “Ишонч”, “Хуррият” каби нашрлар ўз ўқувчисини топиб, маънавият ва маърифат шабини ёқиб турибди. Улар сафида худудий

ГАЗЕТАЛАР ЎЛМАГАН, ЎЛМАЙДИ ҲАМ!

Ривожланган давлатларда амалдорлар тонгни газета билан қарши олади, деган гапни кўп эшитганмиз. Бу оддий одат эмас, бу давлатга, жамиятга, ахборотга, энг муҳими, ҳақиқатга бўлган ҳурмат ифодасидир. Газета ўқиш - маданият, газета ўқиш - масъулият. Газета ўқиш - фикр билан яшаш, демакдир.

Бизда-чи? Афсуски, баъзи раҳбарлар ўзлари газета ўқимаганлари камдек, ўз хоҳиши билан нашрга обуна бўлган ходимларини ишдан бўшатишгача бораётгани сир эмас. “Мажбурий обуна мумкин эмас”, деган ниқоб ортига яшириниб, аслида, маърифатдан қочиш, танқиддан қочиш, ҳақиқатдан қочиш ҳолатлари учраб турибди.

Тўғри, бугун ахборот асрида яшайпмиз, ахборот технологияларидан фойдаланиб, бутун олам бизники, деб жар солаёпмиз. Аммо, тараққиётнинг бу қадар илгарилари сўзнинг қадрини бунчалик туширмаслиги, ерга урмаслиги керак эди. Интернет, ижтимоий тармоқлар, тезкор хабарлар... Тезлик... Бироқ, тезлик, бу - чуқурлик, кўплик - ҳақиқат, шовқин эса маърифат, дегани эмас.

Интернетдаги назоратсиз ахборот оқими тафаккуримизни ўтмаслаштираётган бир пайтда, босма матбуот фикрни тарбиялайди, сўзни саралайди, онгни тозалайди. Газета - шовма-шошарликдан йироқ, таҳлилга бой, масъулият ва далилларга тўла ахборот манбаи, мазмун ва шакл уйғунлашган маънавият ўчоғи.

Айрим раҳбарлар “мажбурий обуна” деган иборага ёпишиб олганича, республикада чоп этилаётган айрим нашрларнинг на мазмунидан, на номидан хабардор эмас.



Уларнинг оддийгина, деб ўйлаётган бу бепарқлиги онгидаги маънавий узилиш билан баробар. Газета ўқимасак, журнал ўқимасак, китоб ўқимасак, телевизор кўриш ва интернет “ковлаш” билан ойни забт этмоқчи бўлаётганлигимиз кулгили эмасми?

Америка, Германия, Франция, Англия, Хитой каби давлатларда ахборот технологиялари юксак тараққий этганига қарамай, босма оммавий ахборот воситаларига бўлган эҳтиёж заррача камаймаган. Нега? Чунки, улар давлатни технология эмас, тафаккур бошқаришини жуда яхши билишади. Тафаккурни эса тарбиялайдиган куч матбуотдир.

Газета ахборот тарқатувчи восита бўлиш билан бир қаторда, у



мафкура минбари, адабий тил қўриқчиси ҳамдир. Айрим ижтимоий тармоқларда саводсизлик оддий ҳолга айланиб бораётган бир пайтда, газетанинг саводли саҳифалари миллатнинг тил бойлигини, фикр маданиятини асраб келмоқда. Бу

кўнғилга яқин иборани қадрлаган бўлардик. Республикаимизнинг қайси бурчагида бўлишидан қатъи назар мамлакатимиз пойтахтида чиқаётган машхур газеталар бўладими ёки олис ҳудудларнинг туман ёки шаҳар газетаси бўладими, ло-



нашрлар, хусусан, ёшлар қалбига йўл топаётган “Buxoro yoshlari” газетасининг ўрни ҳам алоҳида эканини таъкидлаб ўтмоқчиман. Унда ёшларнинг изланиши, орзуси, ташвиши, ютуғи, фикри мужассам. Бу нашр ёш қалбларга фақат хабар эмас, ишонч беради. Фақат маълумот эмас, йўналиш беради. Фақат матн эмас, масъулият беради.

(давоми 5-бетда)

*Ислохот

Бундан 10 йилча илгари Бухоро вилояти “Камалак” болалар ташкилотининг шижоатли сардори, нуфузли тадбирларда доимий бошловчилик қилиб келган Муҳаммаджон Комилжонов ҳозирда катта масъулиятни зиммасига олган. У ёшлар ташкилоти сафида етишиб чиққан ва бугун вилоят “Келажак” марказлари директори лавозимида фаолият бошлаши мамлакатимиздаги кадрлар сиёсати ва ёшлар ташкилотларининг ҳақиқий мевасидир.

Яқинда унинг бошчилигида ОАВ вакиллари, журналистлар ҳамда блогерлар иштирокида ўтказилган матбуот анжумани расмийликдан йироқ, худди узок йиллик қадрдонлар суҳбатидек самимий руҳда ўтгани соҳадаги янгича бошқарув услубидан дарак беради.

Таълим тизимидаги туб ўзгаришлар бугун қоғоздан амалиётга кўчмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 8 сентябрдаги ПҚ-277-сонли қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари мактабдан ташқари таълим тизимида ҳақиқий бурилиш ясади. Эндиликда вилоятимизнинг барча туман/шаҳарларида ташкил этилаётган “Келажак” маркази шунчаки тўғрақлар мажмуаси эмас, балки, аниқ йўналишларга ихтисослаштирилган замонавий

САРДОРЛИКДАН РАҲБАРЛИККАЧА

билим масканларига айланади. Унда STEAM ва IT технологияларидан тортиб, сунъий интеллект, робототехника ҳамда хорижий тилларни чуқур ўргатишгача бўлган кенг қўламли тизим йўлга қўйилади. Санъат ва ма-



Видеолавҳани QR-код орқали кўринг

даният йўналишида ҳам анъанавий ёндашувлардан воз кечилиб, замонавий дизайн ва мусиқа санъатига ургу берилади. Бу ихтисослашув ҳар бир марказнинг ўз драйверига эга бўлишини ва ресурсларнинг мақсадли сарфланишини таъминлайди.

Рақамлаштириш асрида ўқувчиларнинг салоҳиятини баҳолаш ҳам янги форматга ўтмоқда. Матбуот

анжуманида энг кўп эътироф этилган янгилик: ERP-Portfolio платформасининг жорий этилиши бўлди. Энди ҳар бир бола 1-синфга қадам қўйганидан бошлаб, унинг барча ютуқлари, қизиқишлари ва жамоат ишларидаги фаоллиги рақамли базага муҳрлаб борилади. Мактаб маслаҳатчилари томонидан юритиладиган ушбу “шахсий ҳужжат” шунчаки маълумотлар тўплами



эмас, ўқувчининг 11 йиллик меҳнатини акс эттирувчи кўзгу бўлади ва кейинчалик шаҳодатномада ўз аксини топади. Бу тизим боланинг келажақдаги касбий танловига пойдевор қўйиш билан бирга, унинг ҳар бир ютуғи давлат ва жамият эътиборида эканлигини англатади.

Муҳаммаджон Комилжонов ўз сўзида мутахассисларнинг иш шариоитларини яхшилаш устувор вази-

фа эканини алоҳида қайд этди. Хусусан, ҳафталик иш юкламасининг 24 соатдан 16 соатга қисқартирилиши ва мутахассисларга 2 ставкагача ишлаш имкониятининг берилиши ўқитувчиларнинг ҳам моддий, ҳам касбий манфаатдорлигини оширишга хизмат қилади. Бундай ёндашув сифатли кадрлар оқимини кўпайтиради ва таълим бериш жараёнига ижодий ёндашувни олиб қиради. Шунингдек, “Менинг келажақдаги касбим” дастури орқали ўқувчиларнинг қобилиятларини эрта аниқлаш ва уларга тўғри мотивация бериш тизими йўлга қўйилади.

Бир сўз билан айтганда, “Келажак” марказлари Муҳаммаджон Комилжонов каби соҳа фидойилари бошчилигида ўз номига муносиб, интеллектуал салоҳияти юксак авлодни вояга етказишда давом этаверади. Зеро, тизимли ёндашув ва самимий мулоқот бирлашган жойда, албатта, юксак натижалар бўлиши аён.

Албатта, бу йўл осон кечмади. Бозор муносабатларига ўтишнинг оғир йиллари таҳририятни ҳам четлаб ўтмади. Молиявий қийинчиликлар, офис ва замонавий техника етишмаслиги, интернет имкониятларининг чеклангани - буларнинг барчаси жамоа учун жиддий синов бўлди. Таҳририят узок йиллар давомида ўз иш хоналарига эга бўлмай, ижара асосида фаолият юритди. Ходимлар уй шароитида ишлашга мажбур бўлган пайтлар ҳам бўлди.

Зулфизар Мавлонова



Таксида кетаётсам, ҳайдовчи йўл-йўлакай ўғли ҳақида гапира бошлади. Унинг сўзларидан фахр, кайфиятидан бахтни сезмаслик қийин эди.

- Ўғлим яқинда Польшадаги университетлардан бирини битирди. Ҳозир аэропортга уни кутиб олишга боришим керак. Аэропортнинг йўлидан ҳайдасам, сизга узоқлик қилмайдими? - деди у самимият билан.

Унинг кўзларидаги қувонч "Мен ҳам ота-онамни шундай қувонтирсам", деган фикрни кўнглимда пайдо қилди. Чуқур ўйга толдим. Мен ҳам хорижда ўқишни жуда хоҳлайман, лекин, ўқишга топшириш жараёнини қаердан ва қандай бошлашни билмайман. Мана, неча кун бўлибдики, бу фикр мени тунлари ухлатмайди, кун бўйи шу ҳақида ўйлайман.

Бугун мен шунинг англадимки, хорижда ўқиш учун биринчи навбатда борадиган давлатингизнинг тили ва энг муҳими, тил орқали сиз ўша давлатнинг қадриятлари, турмуш тарзини ҳам ўрганишингиз керак. Қадриятларини билишингиз лозим.

Мен танлаган хорижий олийгоҳ таълими инглиз тилини билишини зарурлигини талаб қилади. Тилни яхши билмасдан, ўқиш уёқда турсин, ҳужжат ҳам топширолмаймаман. Лекин, фақат инглиз тилига суяниб қолиш ҳам хато экан. Хорижда таҳсил олаётган таълимчиларнинг айтишича, Европа мамлакатларида немис, француз, поляша, испан тилларидан бирини билиш таълимда янада кўпроқ эшиклар очилишига имкон берар экан. Хорижий тилни ўрганишга қийналишингиз, табиий. Аммо, ҳозир ижтимоий тармоқларда тил ўрганишни осонлаштирувчи

тавсиялар талайгина. Унга кўра, ўрганиш жараёнида кўпроқ амалиёт қилиш, шу тилда фильм ва подкастлар эшитиш анча самарали.

Хорижда таълим олиш учун маъқул олийгоҳни танлаш ва тил ўрганиш биринчи ўринда. Бироқ, ўзингизга боғлиқ бўлмаган яна бир масала борки, буни инкор этолмайсиз. Аниқроғи, хорижда ўқиш учун етарлича маблағ ҳам зарур. Сиз эса маълумотингиз бўлмаса, даромад топа олмайсиз. Қулай бўлиши учун Европанинг энг арзон ва сифатли шаҳарларини топишга ҳаракат қилдим. Менимча, бу ҳамма учун қизиқ ва муҳим.

Арзон олийгоҳлардан бири Варшава ҳамда Польшада жойлашган экан, менинг билишимча. Мен кўрган такси ҳайдовчисининг ўғли ҳам айнан шу ерда ўқиган экан. Бу шаҳар жуда замонавий ва яшашга ҳам жуда арзон экан. Ойига 400-600 евро етади, дейишади. Қолаверса, ишни ҳам осон топасиз. Аммо, Берлин ва Германия ўзининг грантлари ва бой тарихи билан танловингизда устунлик қилиши мумкин. Устига-устак, бепул таълим олиш эҳтимоли юқори. Инглиз тилини билсангиз яхши яшайсиз, лекин, немис тилини

ўргансангиз, парт-тими ишлашда қийналмайсиз. Фақат яшаш учун ойига 700-900 евро сарфлайсиз. Бундан ҳам арзонга 600-800 евро билан кун ўтказмоқчи бўлсангиз, Будапешт ва Венгрия маъқул вариант. Бу шаҳарлар аҳолисини меҳрибон ва очиққўнғил, деярли таърифлашади.

Агар сиз ҳаммасидан гўзал шаҳарда ўқийман, десангиз, Прага ва Чехияни ҳам танлаш имкони ёмон эмас экан. Энг эътиборли томони, хорижий талабаларга кўп грант маблағлари ажратилади. Ойига 500-700 евро билан хавфсиз шаҳарда қулай яшайсиз.

Мен бу мақолам билан юқоридagi давлатларни ёки уларнинг олийгоҳларини реклама қилмоқчи эмасман, бу шунчаки, сиз тенгдошларим билан суҳбат ва қайси бирини танлашда лол қолаётганим. Мен билган арзон, қулай ва сифатли таълим олиш имконини берувчи хорижий шаҳарлар ҳозирча шулар. Батафсил маълумотларни ўзингиз ҳам топа оласиз. Бунинг учун Эрасмус+, ДААД, Висеград Фонд каби дастурларга сизга ёрдам беради.

Энг муҳими, ўз вақтида келажатингиз учун муҳим қадамни қўя олиш. Биламан, бу осон йўл эмас. Чунки, ўзим ҳам шу йўлда ирода билан ҳаракат қилипман. Ишонаманки, мени ҳам ота-онам аэропортда фахр билан кутиб олишади...

**Хусан Ҳакимов,
"BYg" жамоатчи
мухбири.**

*Рақамли жамият

Бугун ҳаётимизнинг, деярли, ҳар бир жабҳаси анъанавийликдан замонавийликка шиддат билан кўчмоқда. Бу ўзгаришлардан таълим тизими ҳам четда қолмади. Илгари билим олиш, деганда синфхона, доска ва жонли мулоқот тасаввур қилинган бўлса, эндиликда ноутбук, смартфон ва онлайн платформа кундалик ўқув муҳитига айланди. Онлайн курслар, масофавий дарслар ва виртуал машғулотлар, IT, дизайн ва хорижий тиллар соҳаси ёшлар учун янги имконият эшикларини очди.

СИНФХОНАСИЗ ТАЪЛИМДАГИ АФЗАЛЛИК ВА КАМЧИЛИКЛАР

Бир талабанинг гапи бу ўзгаришни яққол ифодалайди:

- Илгари Тошкентга боришни орзу қилардим. Ҳозир эса пойтахтдаги устоз менинг ноутбугимда, — дейди у кулганча.

Бу, албатта, интернет ва оддий гаджет орқали масофавий таълимнинг энг катта ютуғи. Ҳақиқатан, масофавий таълимнинг энг катта афзаллиги, бу - замон ва макон танламаслиги. Йўл харажатлари йўқ, вақт тежалади, дарсга исталган жойдан улашиш мумкин. Иш билан банд мутахассис ҳам, чекка ҳудуддаги ўқувчи ҳам бир хил имкониятга эга.

Бироқ, масаланинг бошқа томони ҳам бор. Педагогларнинг таъкидлашича, назарий билимни ўзлаштириш осон, аммо уни амалиётга таъбиқ этишда қийинчиликлар кўп учрайди. Масалан, дизайн курсини онлайн тугатган айрим ёшлар ҳақиқий буюртмачи билан ишлаш жараёнида муаммога дуч келмоқда. Чунки, реал муҳитдаги талаб ва босим виртуал дарсдан фарқ қилади. Анъанавий таълимда эса амалий машғулотлар, жамоавий иш ва жонли муҳокама орқали билим мустаҳкамланади.

- Онлайн дарсда талабанинг кўз қарашини, кайфиятини ҳис қилолмайсиз. Бу эса ўқитиш самарасига таъсир қилади, дейди педагоглардан бири.

Кўпчилик курсни катта иштиёқ билан бошлаб, бир неча ҳафтадан сўнг тарк этади. Бунга эса ички интизом етишмаслиги сабаб бўлади. Анъанавий дарсда эса рақобат, жонли баҳс ва устоз назорати ўқувчини ҳаракатда ушлаб туради.

Яна бир муаммо: интернет ва электр таъминоти. Айрим ҳудудларда масофавий дарс ўртасида алоқа узилиб қолиши оддий ҳол. Бу эса билим олиш жараёнини издан чиқаради.

Хулоса оддий: масофавий таълим қулайлик ва имконият, аммо, барча учун ягона ечим эмас. Кимгадир синфхона муҳити маъқул, кимгадир эркин онлайн формат. Муҳими, қайси шаклни танламайлик, у бизга ҳақиқий билим бериб, ҳаётда ўз ўрнимизни топишга хизмат қилсин.

**Раҳима Атоева,
"BYg" жамоатчи мухбири.**



БОЛАЛИКДАН БОШЛАНГАН СИФАТ

Бугун таълим ҳақида гап кетганда, кўпинча олийгоҳлар, халқаро рейтинглар ёки замонавий касблар тилга олинади. Аслида эса келажак пойдевори анча эрта — боланинг илк қадамлари, илк сўзлари, илк саволлари билан қўйилади. Мактабгача ва бошланғич таълим ана шу пойдеворнинг энг муҳим босқичидир.

Сўнгги йилларда мактабгача таълим тизимини кенгайтириш, янги боғчалар очиш, нодавлат секторни жалб қилиш орқали қамров даражаси ошди. Аммо, энг катта ўзгариш биноларда эмас, мазмунда бўлди.

Авваллари боғча кўпроқ қараб туриш жойи сифатида қабул қилинган бўлса, бугун у - боланинг шахс сифатида шаклланиш майдони. Таълим дастурлари боланинг ёш хусусиятлари ва ривожланиш эҳтиёжларига мослаштирилди. Ўйин асосида ўқитишга устувор аҳамият берилмоқда.

Масалан, Бухородаги бир давлат

боғчасида тарбиячилар "Дўконча" ўйини орқали болаларга ҳисоб-ки-тоб қилишни, мулоқот қилишни ва навбат кутиш маданиятини ўргатмоқда. Болалар пул ўрнида рангли қоғозлардан фойдаланиб, "харид" қилади. Шу оддий ўйин орқали улар математика, нутқ ва ижтимоий кўникмаларни бир вақтнинг ўзида эгалламоқда. Болалар бундан завқ олади, энг муҳими, қўрқмасдан ўрганади.

Инклюзив таълим йўналишидаги қадамлар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Илгари алоҳида таълим эҳтиёжларига эга болалар кўп ҳолларда умумий жараёндан четда қолар эди.



Бугун эса улар учун мослаштирилган дастурлар, махсус мутахассислар ва психологик қўллаб-қувватлаш тизими яратилмоқда.

Бошланғич таълим босқичида ҳам мазмунан янгиланишлар

кузатилмоқда. Ортиқча юкламалар қисқартирилиб, эътибор функционал саводхонликка қаратилди. Энди бола фақат қоида ёдламайди: у тушунади, таҳлил қилади, фикр билдиради.

Мактабгача ва бошланғич таълим ўртасидаги узвийликни таъминлаш эса алоҳида аҳамият касб этмоқда. Айрим ҳудудларда тарбиячи ва бошланғич синф ўқитувчилари биргаликда очиқ машғулотлар ўтказмоқда. Бу ҳамкорлик боланинг руҳий ва интеллектуал ривожига узилишлар бўлмаслигини таъминлайди.

Рақамли технологиялар ҳам таълим жараёнига кириб келаятигандан хурсандмиз. Электрон платформалар орқали ўқитувчилар методик материалларга осон ета олади, тажриба алмашади.

Албатта, ислохотлар бир кунда самара бермайди. Энг муҳими, йўналиш тўғри танланган. Чунки, болаликда берилган сифатли таълим, бу - келажакда мустаҳкам жамият, демакдир.

**Азиза Ҳусенова,
Бухоро давлат Педагогика
институтининг декани муовини,
педагогика фанлари
бўйича фалсафа доктори
(PhD), доцент.**



Бухоро вилояти ёшларининг орзу-умидлари, фикр ва ташаббусларини ифода этиб келаётган “Buxoro yoshlari” газетасининг 25 йиллик қутлуг айёми барчамиз учун улкан байрамдир.

“BUXORO YOSHLARI” - ЧОРАК АСРЛИК ШАРАФ ВА МАСЪУЛИЯТ ЙЎЛИ

Чорак аср - бу оддий рақам эмас. Бу - синовлар, изланишлар, жасорат ва матонат билан тўлган тарих. Бу — ёшлар қалбига йўл топа олган, уларни эзгу мақсадлар сари қорлаган минбарнинг шарафли йўлидир.

2001 йилда ташкил этилган мазкур нашр дастлабки кунлариданоқ, ёшларга хос рух, долзарб мавзулар ва самимий ёндашуви билан ўқувчилар эътиборини қозонди. “Билиб қўйки, сени Ватан кутади!”, “Буюк келажакни бирга қурамиз!” деган шиорлар шунчаки сўз бўлиб қолмади: улар ёшлар онгига ишонч, қалбда масъулият уйғотди. Газета мустақиллик ғоялари, миллий қадриятлар ва маънавий меросни тарғиб этиб, ватанпарвар, фаол ва ташаббускор авлодни тарбиялашга хизмат қилди.

Аммо, шу оғир шароитларда ҳам “Buxoro yoshlari” тўхтаб қолмади. Чунки, унинг таянчи - жамоанинг бирдамлиги, касбий садоқати ва қаламга бўлган ишончи эди. Оффисиз, техникасиз, имкониятларсиз ҳам сўз қудрати билан ўз ўрнини сақлаб қолиш — бу ҳақиқий жасорат эмасми?

Ўтган йиллар мобайнида газетани бошқарган ва унинг мазмун-моҳиятини бойитган бош муҳаррирлар - Саидбурхон Қодиров, Адолат Акрамова, Жамол Носиров ҳамда бугунги раҳбар Лайло Ҳайитова каби фидойи инсонларнинг меҳнати алоҳида эътирофга лойиқ. Улар яратган ижодий мактаб бугунги авлод журналистлари учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Газета саҳифаларида самарали меҳнат қилган Раёно Саидмуродова, Моҳигул Назарова, Эркин Содиков, Ҳамза Турдиев, Дилноза Ўринова, Ҳамро Акиев каби ижодкорлар, шунингдек, марҳум журналистлар Даврон Бахронов, Илҳом Сафаров, Дилмурод Жабборов, Сафар Аҳмедов, Маннон Отабой, Шоира Холова номлари газетанинг шарафли тарихида алоҳида ўрин тутди. Уларнинг меҳнати ва хотираси бугунги жамоа учун масъулият ва илҳом манбаи.

2012 йилдан бошлаб, “Buxoro yoshlari” газетаси Бухорода илк бор рангли нашр сифатида чоп этила бошлади. Ўша пайтда вилоятда рангли босмаҳона мавжуд эмас эди. Газета Навоий вилоятида саҳифаланиб, чоп



2026-yil, fevral, № 3-4


BUXORO YOSHLARI



Видеолавҳани QR орқали кўринг.



Видеолавҳани QR орқали кўринг.



Бир неча кун олдин “Buxoro yoshlari” газетаси бош муҳаррири Лайло Ҳайитовадан қўл телефонимга қўнғироқ бўлди.

МАТБУОТ МАЙДОНИДА МУСТАҲКАМ МИНБАР



Шавкат Раҳмонов, Бухоро вилоят Ёшлар ишлари бошқармаси бошлиғи.

этиларди. Шу билан бирга, веб-сайт ва телеграм канал ишга туширилиб, нашр электрон майдонга ҳам дадил қадам қўйди. Бу - анъанавий газетачиликни замонавий ахборот технологиялари билан уйғунлаштириш йўлидаги муҳим қадам эди.

Айни пайтда эса газета Қарши шаҳридаги “Photo Express” хусусий ишлаб чиқариш босмахонасида чоп этиб келинмоқда.

Таҳририят қошидаги “Parvoz” ёш журналистлар маҳорат маркази эса вилоятдаги иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, устоз-шогирд анъанасини давом эттиришда муҳим мактабга айланди. Босма ва интернет журналистикаси, телевидение, радио, фото йўналишларида олиб борилган машғулотлар миллий журналистикамизга муносиб кадрлар етиштиришга хизмат қилди.

Бугун таҳририят жамоаси замонавий фикрлайдиган, ташаббускор кадрлар билан янада кучайган. Анъанавий босма нашр имкониятлари сунъий интеллект ва рақамли технологиялар билан уйғунлашиб, конвергент ахборот майдонида ўз ўрнини мустаҳкамламоқда. Ижтимоий тармоқлардаги “Sado-news”, “Jurnalist+” ахборот дастури ва “Bilasizmi?” лойиҳаси нашрининг янги қиёфасини намоён этмоқда.

Энг муҳими, “Buxoro yoshlari” фақат ахборот тарқатувчи эмас. У вилоятимиздаги маънавий-маърифий, маданий ва ижтимоий тадбирларнинг фаол



ташаббускори. Турли танлов, акция ва ижодий лойиҳалар орқали ёшлар фаоллигини ошириш, китобхонлик ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

25 йиллик тарих - бу фахр. Аммо, шу билан бирга? Катта масъулият ҳамдир. Олдинда янги марралар, янги вазифалар турибди. Ахборот майдонида рақобат кучайган бугунги даврда холислик, тезкорлик ва таъсирчанлик ҳар қачонгидан муҳим.

Ишонаманки, “Buxoro yoshlari” газетаси келгусида ҳам ёшлар ҳаётини холис ёритиб, уларнинг муаммо ва ютуқларини жамият эътиборига олиб чиқишда етакчи минбар бўлиб қолади. Миллий матбуотимизнинг муносиб ва таъсирчан нашрларидан бири сифатида яна кўп йиллар бардавом бўлади.

Шу қутлуг сана муносабати билан барча журналистлар ва газетхонларга мустаҳкам соғлик, илҳом ва ижодий ютуқлар тилайман. Қаламингиз ўткир, сўзингиз таъсирчан, йўлингиз равшан бўлсин!

“Buxoro yoshlari”га бардавомлик, унинг фидойи жамоасига эса муваффақият ва зафарлар ёр бўлсин!



QR орқали мақолани SI-аудиода тинглашингиз мумкин



Бир неча кун олдин “Buxoro yoshlari” газетаси бош муҳаррири Лайло Ҳайитовадан қўл телефонимга қўнғироқ бўлди.

МАТБУОТ МАЙДОНИДА МУСТАҲКАМ МИНБАР



Ҳамзабек Турдиев, журналист.

матбуотга ишонган, унинг қадрини билган инсонлар турфайли эди.

“Buxoro yoshlari” кўпгина қалам аҳли учун минбар, ёш ижодкорлар учун эса қанот бўлган нашр. Газета 2001 йилда “Камолот” жамғармаси муассислигида ташкил этилди ва 2010 йилга қадар унга устоз журналист Саидбурхон Қодиров муҳаррирлик қилди.

Ўша кезлар ўқишни эндигина тугатган, матбуотда илк қадамларини ташлаб юрган пайтим эди. Саид ака мени янги нашрга ишга таклиф қилди. А-3 форматидаги газетанинг бир саҳифасини эгаллаган қатор материалларим чиққан онлар ҳануз ёдимда. Кейинчалик газета адади кўпайиб, молиявий жиҳатдан мустаҳкамлангач, жамоа ҳам кенгайди.

Бугун қалбимизда хотираси билан ўчмас из қолдирган Дилмурод Жаббор ўз публицистикаси билан, Илҳом Сафаров қайноқ репортажлари билан, Даврон Бахронов ижтимоий муаммоларни ўткир фелъетонларда очиб бериши билан эътибор қозонган. Сафар Аҳмедов адабий тилга муносабатни талаб қилса, Маннон Отабой танқидий материалларда фактнинг қадрини ўргатарди.

Дилмурод ака баъзан мақолалардан кўнгли тўлмаса, кескин қилиб:

- Журналистика сенларнинг жойинг эмас, — дерди. Лекин юраги “жиз” этган материални кўрса, муаллифни давраларда мақтаб юрарди.

- Мақолада мана шу сўз, айнан, ўрнига тушибди, сўзга масъулиятли эканлигинг менга ёқди. Маслаҳатим, кўп китоб ўқи, шунда сўз бойлигинг янада ортади, - дерди.

Шунда ёшлар ҳазиломуз эътироз қиларди:

- Фалон кунни одамни ўсал қилгандингиз-ку?

У эса қошини учуриб:

- Ҳамиятингга тегмасам, яхши ёзмайсан-да, — деб гапга тўн кийдириб қўярди.

Албатта, бу йўлда ус-тозларнинг ўрни алоҳида. Нон тандирда пишиб, дастурхонга тортилишидан олдин бир неча босқичдан ўтгани каби, биз ҳам, айнан, шундай машаққатли довлонлар орқали шаклландик. Ёзганларимиз ҳар доим ҳам силлиқ чиқавермади. Баъзан бутун мақоладан 10–15 фойизгина қолди, баъзан эса қоралмалар ғижимланиб, ахлат қутисига улоқтирилди. Ўша пайтда оғир туюлган бу ҳолатлар, аслида, катта сабоқ эди. Бугун ана шу машаққатларнинг ҳосили ўз мевасини берапти. Бу даргоҳда тарбия топган кўплаб ёшлар бугун ўз йўлини топган. Улар нуфузли нашрлар, теле-радиокомпаниялар ва ахборот майдонида фаолият юритмоқда.

“Buxoro yoshlari” газетаси янгича форматда, янги нафас билан чиқаяпти. Интилувчан, фидойи ёшлардан иборат аҳил жамоа меҳнат қиялпти. Газета давлатнинг ёшлар сиёсати, жойлардаги ислохотлар ижроси, иқтидорли ўғил-қизлар ҳаёти, уларнинг орзу-умидлари ва изланишларини жамиятга етказишда дадил қадам ташламоқда.

Қадрдон газетам - “Buxoro yoshlari” жамоасини 25 йиллик муборак сана билан самимий табриклайман.

ҚАЛБИМНИНГ ҚАДРДОНИ - “BUXORO YOSHLARI”

**Зулфизар Мавлонова,
“BYg” масъул котиби.**

Киши ўз йўлини топиши, қалб амрига кўра, касб танлаши улкан саодатдир. Мен учун бу йўл ўн тўққиз ёшимда, ҳаётимнинг энг жўшқин палласида - “Buxoro yoshlari” газетаси билан боғланди. Гарчи, тахририятга расман ишга киргунимга қадар жамоатчи мухбир сифатида қалам тебратиб, жамоанинг бир бўлагига айланиб улгурган эдим.

2019 йил ҳаётимда янги ва масъулиятли саҳифа очди. Бугун масъул котиб вази-фасида фаолият юритар эканман, ортга назар ташлаб, бу даргоҳ мен учун шунчаки иш жойи эмас, ҳақиқий маҳорат мактаби бўлганини яхши англайман. Газетадаги ҳар бир куним қаламимни чархлаганга, журналистик салоҳиятимни ўстиришга ва соҳанинг етук дарғаларидан сабоқ олишимга хизмат қилмоқда. Бу ерда биз, нафақат, ижод қиламиз, балки, шахс сифатида ҳам ҳар томонлама камол топамиз. Масалан, газетамиз қошида ташкил этилган “Парвоз” тарғибот ҳамда медиа жамоаси кўплаб ёшларга тенгдошлари билан фикр алмашиш, фаол ёшлардан руҳланиш муҳитини яратди. Қолаверса, нуфузли тадбирларда, нафақат, иштирокчи, балки, ташкилотчи бўлишдек ноёб имкониятларни ҳам тақдим этади.

Замон билан ҳамнафаслик “Buxoro yoshlari”нинг бош мезони десам, муболага

бўлмайди. Тахририятимиз жамоаси газетанинг ҳар бир сонига замонавий ёндашиши, янгиликка ташна эканлиги бизни доимий изланишга ва дунёқарашимизни кенгайтириб боришга ундайди.

Бугун наشريмиз ташкил этилганига 25 йил тўлди. Бу эса бир инсоннинг кучга тўлган, юқори салоҳиятли ва серҳаракат ёшлик чоғидир. Чорак аср давомида газета қанча-қанча ёшларнинг истеъдодини юзага чиқаришга, ижод йўлида қанот қоқишига меҳр билан кўмаклашди. Республикамизда айрим босма нашрлар ўз фаолиятини тўхтатаётган бир мураккаб даврда, “Buxoro yoshlari”, аксинча, янада ривожланиб, ўз нуфузини сақлаб қолгани қувонарлидир. Фақатгина қоғоздаги матнлар билан чекланиб қолмай, замонавий технологияларни ҳам татбиқ этдик. Эндиликда муштарийларимиз мақолаларни QR-код орқали видео форматда ҳам томоша қилиш ва аудио форматда тинглаш имконига эга. Бу эса анъанавийлик ва замонавийликнинг гўзал уйғунлигидир.

Ушбу қутлуг айёмда ниятим шуки, “Buxoro yoshlari”нинг доврўғи янада баланд кўтарилиб, янгиликлар қилишдан, ёшларни бирлаштиришдан

ҳеч қачон чарчамасин. Газетамизнинг ютуқлари бардавом, имкониятлари эса янада кенг бўлишини тилайман. Токи, у яна кўп йиллар мобайнида иқтидорли ёшларни ўз бағрига олиб, уларни катта ҳаёт ва ижод йўлига учирувчи ҳақиқий парвоз майдони бўлиб қолаверсин.

25 йиллик довонинг муборак бўлсин, қадрдон газетам!



Видеолавҳани
QR орқали кўринг.

Дилноза Ўринова,
“Бухоротелерадиокомпанияси” муҳаррири



Видеолавҳани
QR орқали кўринг.

ТАХРИРИЯТ - МЕНИНГ ОИЛАМ

Дилнавоз Тўхтаева,
“BYg” мухбири.

Бугун наشريмиз чорак асрлик довонни забт этаркан, унинг ҳар бир саҳифасида тарих ва келажак шиддати баробар акс этмоқда. Ушбу тахририят остонасига қадам қўйганимга роппа-роса уч йил бўлди. Бу йиллар мен учун шунчаки иш жараёни эмас, балки, ҳақиқий журналистик мактаб ҳамдир. Бунда билим ва кўникмаларимни чархладим, соҳанинг паст-баландини ўргандим.

Мукаррам Отамуродова,
Webster халқаро
университети, Тошкент
филиали ўқитувчиси.

Амриддин Зайниев,
Навойи вилояти,
Қизилтепа туманидаги
“Космос” ўқув
маркази директори



Видеолавҳани
QR орқали кўринг.



САҲИФАЛАР ОРТИДАГИ САДОҚАТ

Баъзан газетанинг энг катта қаҳрамонлари унинг саҳифаларида кўринмайди. Улар имзосиз, суратсиз, шовқинсиз меҳнат қилади. Аммо, у ҳар бир саҳифанинг нафаси, ҳар бир сарлавҳанинг жозибаси, ҳар бир дизайн ечимининг ортида туради.

“Buxoro yoshlari” газетасининг 25 йиллик тарихида ҳисса қўшган ана шундай садоқатли ижодкорлардан бири - саҳифаловчи дизайнер Хуршид Абдуллаевдир. Хуршид 2019 йилдан буён газета фаолиятида онлайн тарзда иштирок этиб келмоқда. У республикадаги нуфузли, номдор газеталардан бирида ишлаб туриб ҳам “Buxoro yoshlari”ни ўз юрагига яқин, деб билади. Масофа унга тўсиқ эмас, вақт эса синов. У ҳар гал саҳифаларни замонавий дизайн асосида безар экан, бу ишни оддий вазифа эмас, меҳр билан бажарадиган масъулият, деб қабул қилади.

Тунги сукутда ёруғ экран қаршисида уйқусираган, чарчаган кўзлар... Кундалик иш юкидан толиққан руҳ... Аммо, барибир, ҳар бир саҳифа устидан қайта-қайта ишлаш, ҳар бир ҳарфнинг жойлашувига эътибор бериш бу фақат касбий мажбурият эмас, бу - садоқат. Бу - газетачиликка муҳаббат.

Хуршиднинг меҳнати фақат дизайн билан чекланмайди. Зарур пайтда корректив жараёнларида ҳам ижодий жамоага елкадош бўлади. Матннинг кўрки, саҳифанинг мувозанати, ўқувчи учун қулайлик - буларнинг барчаси унинг диққат марказида. У газета саҳифасини шунчаки беэмайдир, уни “яшатади”. Тўғри, унинг бу меҳнатларини катта маош ёки баланд минбарлар билан ўлчаш имкони йўқ. Аммо, ҳақиқий ижодкор учун энг катта мукофот - Хуршидга бўлган ишончимиз ва унинг бу ишончга кўрсатаётган натижаси.

Ҳар бир муваффақиятли жамоанинг кучли орқа “фронти” бўлади. Хуршид - “Buxoro yoshlari” учун ана шундай мустаҳкам таянчлардан бири.

Саҳифаларингиз каби йўлингиз ҳам равон бўлсин, Хуршид! Газетачиликка бўлган меҳрингиз ва садоқатингиз яна кўп йиллар “Buxoro yoshlari” саҳифаларида ўз аксини топсин.



ГАЗЕТАЛАР ЎЛМАГАН, ЎЛМАЙДИ ҲАМ!

(Давоми, боши 2-бетда)

Газеталар ўрнини интернет эгаллади, деган иддао шунчаки юзаки хулоса. Айниқса, анъанавий босма нашр имкониятлари сунъий интеллект ва рақамли технологиялар билан уйғунлашиб, конвергент ахборот майдонида ўз ўрнини мустаҳкамлаб, интеграциялашиб бораётгани, QR-кодлар орқали газетада чоп этилган хабар ва мақолаларни видеоасвир усулида кўриш имкони кенгаётгани бу ўз-ўзидан газетанинг устунлигини яна бир қарра намоён этади. Тўғри, интернет тезкор бўлиши мумкин. Аммо, шу ўринда, айтиш жоизки, тарихни интернет эмас, матбуот ёзади. Интернет шовқин кўтарар, газета эса позиция билдиради. Интернет ўткинчи, газета эса ҳужжат.

Ҳақиқат ҳақида гап кетганда эса, таъна ҳам кўп: “Ҳақиқатни ёзсангизлар, одамлар ўзлари ўқийди”, дейишади. Рост, матбуотнинг энг катта мезони ҳақиқат ва адолат. Аммо, ҳақиқат арзон эмас. Унинг юки оғир. Унинг баҳоси баланд. Адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққулов айтганидек:

“Ҳақиқатнинг юки жуда оғир. Ҳақиқатни гапирадиган одамнинг кафани елкасида бўлиши керак”.

Демак, ҳақиқат байроқдори бўлган газеталарнинг елкасида қанчалик оғир масъулият борлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Газетада танқидий мақола чиққан экан, журналистни судга беришга шошилишдан кўра, ўша мақолани ёзишга сабаб бўлган муаммони ҳал этишга интилсак-чи? Қаҳрамонлик шу эмасми?

Неча-неча синовли даврларда мафкуранинг тили ҳам, қўли ҳам, оёғи ҳам матбуот бўлган. Бугун ҳам шундай. Эртага ҳам шундай бўлиши керак.

Газета - бу бизнинг юзимиз.
Газета - бу бизнинг виждонимиз.
Газета - бу бизнинг умумий уйимиз.
Матбуотга садақа керак эмас, матбуотга МЕҲР керак.


Газеталар ўлмаган, газеталар ўлмайди ҳам. Чунки, ҳақиқат тирик экан, матбуот ҳам тирик.

Маруса Хосилова,
журналист

Ҳаётимиз тубдан ўзгариб бораётган замонда ҳар бир соҳага алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2025 йилнинг апрель ойидан бошлаб, Ёшдун тумани Соктари маҳалласида ёшлар етакчиси сифатида иш бошлаганман.

“Ёшларнинг бўш вақти – етакчининг иш вақти” шиори мени тинимсиз ҳаракат қилишга ундайди. Чунки, маҳалла ёшларининг бўш вақти мазмунли ўтса, демак, унинг келажагига ишончи ортади ва жиноятчиликдан йироқ бўлади.

Фаолиятимнинг дастлабки кунларидан ёшлар билан юзма-юз мулоқот қилишни афзал билдим. Ҳар бир хонадонга кириб, ёшларимизнинг дарди, қизиқиши ва эҳтиёжларини хатловдан ўтказдик. Очик мулоқотларда ёшларнинг асосий муаммолари аён бўлди. Бу муаммоларни тизимли ҳал этиш учун тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда “манзилли режа” асосида иш олиб бормоқдамиз. Натигада 15 нафардан ортқ ёшларимиз бугун расмий рўйхатдан ўтиб, ўз хунари орқасидан доимий даромад топмоқда. 5 нафар ёш йигит-қизимизнинг бизнес лойиҳасини қўллаб-қувватлаб, уларга имтиёзли кредитлар ажратилишига кўмаклашдик. 30 нафардан зиёд ёшларимизни ўзлари қизиққан ва билимига мос бўлган корхона ва ташкилотларга жойлаштирилди. Маҳаллада ёшларнинг



“ЁШЛАРНИНГ БЎШ ВАҚТИ – ЕТАКЧИНИНГ ИШ ВАҚТИ”

меҳнат қилиши, маданий ҳордиқ чиқариши ва спорт билан дўст бўлиши ҳам муҳим масала. Шу мақсадда “Беш ташаббус олимпиада-си” доирасида ўтказилган мусобақаларга икки минг нафардан зиёд ёшларни жалб қила олдик. IT-технологиялари, китобхонлик ва спорт тадбирлари орқали биз ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга эришмоқдамиз. Ёшлар билан ишлаш мен учун шунчаки ҳисобот бериш ёки рақамлар тўплаш эмас. Бу ҳар бир йигит-қизнинг нигоҳида эртанги кунга

бўлган ишончни кўришдир. Мен учун ҳар бир ёшнинг муваффақияти – “Соктари”-нинг муваффақиятидир. Келгусида ҳам маҳалламиз ёшларини қийнаётган масалаларни ўз вақтида аниқлаш, уларни тадбиркорлик ва замонвий касбларга йўналтириш борасидаги ишларни режалаштирганман. Мақсадим “Соктари”ни ёшлар учун энг хавфсиз, энг фаол ва энг намунали маҳаллага айлантириш!

Темуржон Миржонов,
“Соктари” МФЙ ёшлар етакчиси.

*Спорт ва ёшлар

Мен ўн йилдирки, қўлимда қилич билан, нафақат, рақибларимга қарши, балки, ўз тақдирим, адолатсизликларга қарши курашиб келаман. Қиличбозлик - шунчаки спорт тури эмас, бу сония ичида қабул қилинган қарордир.

МАҒЛУБИЯТЛАРНИ ЕНГИБ ЎТГАН МАТОНАТ ҚИЛИЧБОЗ ҚИЗНИНГ ИҚРОРИ

Бугун кўксимни безаб турган Халқаро тоифадаги спорт устаси унвони ва Осиё чемпионлиги олтинлари ортида жуда катта қора кунлар бор. Кўп марта йиқилдим. Шундай пайтлар бўлдики, ноҳақликлардан бўғзимга аччиқ бир нарсга тикилиб, “Бўлди, спортни ташлайман, ҳаммаси тугади”, деган пайтларим ҳам бўлди. Атрофимдагиларнинг: “Энди фойдаси йўқ, ғалаба қозонолмайсан!” деган совуқ қарашлари мени руҳан синдириб қўймаслиги учун доимий ҳаракатда бўлдим. Инсоннинг энг катта ғалабаси, бу - кимгадир ишониш ёки кимнингдир ишончига сазовор бўлиш экан. Ҳамма мендан юз ўтирган, омадсизликлар кетма-кет келган вақтда, мураббийим Камолиддин Раҳматов менга ишонишдан тўхтамади. Агар устозимнинг: “Мен сенга ишонаман, Азиза, сен урдалайсан!” деган биргина гапи бўлмаганда, балки, мен бугун бу чўққиларда бўлмасдим. Мен барча ютуқларим учун, аввало, шу инсонга раҳмат айтаман.

Сабр энг аччиқ, лекин, меваси энг ширин дарахт экан. 2024 йил февралда Баҳрайндаги Осиё чемпионатидан бошланган ғалабалар серияси, 2025 йил февралда Қувайтдаги Осиё чемпионатида жамоавий баҳсда қўлга киритилган фахрли 1-ўрин билан давом

этди. Ҳар сафар шоҳсупада Ўзбекистон байроғи баланд кўтарилганда, чеккан барча заҳматларим, яширин кўз ёшларим ва машаққатларим бир зумда унутилади. Бугун мен Бухоро вилояти “Қизлар овози” клуби спорт йўналиши координатори сифатида тенгдошларимга бир гапни айтмоқчиман: Ҳеч қачон таслим бўлманг!

Президентимиз Шавкат Мирзиёев билан учрашувда ҳис қилган ҳаяжоним менга янги куч берди. Мен энди, нафақат, ўзим учун, балки, Янги Ўзбекистоннинг ор-номуси учун жанг қиламан. Менинг ҳали забт этилмаган энг баланд чўққим - Олимпиада олтин медали! Мен бу йўлда қиличимни ҳеч қачон туширмайман, чунки, орқамда мени қўллаётган халқим, ишончини оқлашим керак бўлган устозим ва буюк Ватаним бор!

Азиза Ҳамидова,
Халқаро тоифадаги спорт устаси.

Говорят, что учитель то не просто профессия, а образ жизни. Глядя на Вазир Рахманову, в этом убеждаешься окончательно. Она доктор философии по педагогическим наукам (PhD), преподаватель кафедры русского языка и литературы Бухарского государственного педагогического института. За этими официальными званиями скрывается человек, искренне влюблённый в своё дело.



СВЕТ ПРОСВЕЩЕНИЯ В РУКАХ НАСТАВНИКА

Вазира Рахманова объясняет сложное просто и вдохновляет студентов на изучение литературы. Она является автором учебников «Русский язык» и «Русская драматургия второй половины XX века». Эти книги стали верными помощниками для многих молодых специалистов, помогая им глубже понять тонкости слова и сценического искусства.

- У меня стаж работы в школе 17 лет, а в институте 2 года. Моя цель — помочь студентам не просто грамотно писать, но и мыслить свободно. Рада видеть, как мои знания помогают им становиться настоящими профес-

сionalами, - сказала Вазира Рахманова.

Коллеги знают её как неумолимого труженика, а студенты — как доброго наставника, который всегда поддержит и даст мудрый совет. На её занятиях всегда царит атмосфера живого поиска и творчества. Для Вазеры Рахманова важно не просто вычитать лекцию, а зажечь в сердцах молодёжи искренний интерес к знаниям. Светлая энергия, профессионализм и преданность родному институту делают Вазир Рахманова примером для подражания. Мы желаем ей крепкого здоровья, неиссякаемого вдохновения и новых успехов на пути просвещения!

2026-2027 йилларда Малайзия ва Индонезиядан “Зиёрат туризми” йўналишида Ўзбекистонга келувчи сайёҳлар сонини 100 минг нафарга етказиш бўйича кенг қамровли “Йўл харитаси” тасдиқланди. Хужжатга мувофиқ, 2026 йил якунига қадар Туризм қўмитаси томонидан Малайзия ва Индонезиядан “Умра плюс” дастури асосида юртимизга сайёҳлар жалб қилаётган туроператорларга ҳар бир сайёҳ учун 100 АҚШ доллари миқдорида субсидия ажратилади.

Жорий йил бошидан ушбу мамлакатларда дастур доирасида кучайтирилган тарғибот кампанияси йўлга қўйилди. Шунингдек, туроператор ва турагентлар Миллий туризм ягона платформаси орқали шакллантирилган туристик дастурларни онлайн сотиш имкониятига эга бўлди.

Дастурни самарали амалга ошириш мақсадида кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Ўзбекистон халқаро исломшунослик академиясида ўқув-амалиёт лабораторияси ташкил этилади. Шу билан бирга, академия ва Малайзия олий таълим муассасалари ўртасида “Туризм ва меҳмондўстлик” йўналишлари бўйича қўшма таълим дастурлари йўлга қўйилиши режалаштирилган.



БУХОРО “ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ”ДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Малайзиялик ва индонезиялик сайёҳчиларнинг Рамазон ҳайити ҳамда Курбон ҳайити байрамларини Ўзбекистонда нишонлаши учун шароит яратиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Шунингдек, “Имом Бухорий изидан” ва “Рамазонни Ўзбекистонда ўтказ” шiorлари остида махсус тематик тарғибот кампаниялари ташкил этилади.

Малайзиянинг мусулмон аҳолиси кўп бўлган ҳудудларида зиёрат туризми бўйича алоҳида роудшоулар ўтказиш ҳам назарда тутилган.

“Умра плюс” дастури доирасида Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Бухоро вилоятларидаги муқаддас қадамжолар ва тарихий обидаларни қамраб олган

махсус туристик маршрутлар ишлаб чиқилади.

Транспорт вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги ва Туризм қўмитаси билан ҳамкорликда икки ҳафта муддатда дастур учун 10 та авиаборти, зарурат туғилганда ижара асосида, жалб этишни таъминлайди. Мазкур чора-тадбирлар зиёрат туризмни янги босқичга олиб чиқиш, мамлакатимизга хорижий сайёҳлар оқими кўпайтириш ҳамда халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Азамат Набатов,
Бухоро вилояти ИИБ ХТТБ ЖХБ ЖТСГ инспектори,
капитан.



Видеолавҳани
QR орқали кўринг.



Пойтахти Аккра (Африка)	Манглай чизиги	Штат (АҚШ)							Кийим- нинг ички қисми	Вулқон оғзи
Мева тури				Африка кийиги	Талаб ва ...	Кема «тор- моз»и	Аваз ... (шоир)		От зоти	
Лавҳа, эпизод	Жан ... (актёр)	Ис, буй				Қўрқани- дан ...си ёрилай деди				
				Изла- ган ... топар	Етти симли чолғу асбоби					
	Парда илгич	Зухра- нинг опаси				Монго- лия чор- вадори				
				Оддий, содда	Суюқ унли таом			Араб ҳарфи		
Тиш		... Капур (хинд актёри)			Оралиқ, марказ	Ўсма касал- лиги	... Темур (буюк саркарда)			
			Кўмакчи, дастёр							
				Тарки ... амри маҳол		Кўса (образ)				
			Қўшни- жон қўшни							
				Икар- нинг отаси	Рейн дарёси ирмоғи					
			Сатир- ва ...			Шина- ванда уртоқ				
Сомсаси машҳур вилоят	Овқатлар рўйхати (кафеда)	Шоли экуччи дерён	Кўп қаватли уй «такси»си	Маза- ... (таъм)	Тоғ, Россия			Маро- кашдаги шаҳар		Изкувар, жосус
	Маржон тизими					Ор- номус	Собиров (хонанда)	Франция- даги шаҳар		Типра- тикан
				Ясон кемаси (миф)	Тўтиқуш тури	Кўзгу				
	«Ёз ...» (корейс сериали)	Сабаб, омил					Қадар, довур			
	Кўкон- гул (русча)				365 кун		Теле- канал (Россия)			
	Хитой- даги шаҳар	Зулф, кокил	Польша- даги шаҳар				«Шоҳ ...» Софокл асари			
					Номла		...нг ба- роридан келсин			



Bolajon

INTELLEKT-RING

AZIZ BOLAJO! AGAR SEN O'ZINGNI TOPQIR VA BILIMDON, DEB HISOBLASANG, USHBU JUMBOQLARNI YECHIB KO'R. JAVOBLARNI TOPSANG, DEMAK, SEN "INTELLEKT-RING" G'OLIBISAN!

1-bosqich: MANTIQ

1. Qachon osmondan yerga suv tushadi, lekin yer hech qachon ho'l bo'lmaydi?
2. O'zi ozg'in, boshi katta, yursa ortida qora iz qoladi. Bu nima?
3. Uni yerdan ko'tarish oson, lekin uzoqqa otish juda qiyin. Bu nima?



**1 YOMONLIKKA
5 YAXSHILIK**

2-bosqich:

MENING SHAHRIM – BUXORO

1. Mo'jizaviy imorat: Bu binoning qurilishida naqshlar shunday mahorat bilan ishlatilganki, u kunning turli vaqtida (quyosh nurining tushishiga qarab) har xil ko'rinishga ega bo'ladi. Unda hech qanday bo'yoq ishlatilmagan, faqat pishiq g'ishtdan qurilgan. Gap qaysi maqbara haqida ketyapti?
2. Darvozalar jumboq'i: Qadimda Buxoro shahriga kirish uchun nechta darvoza bo'lgan? Hozirgi kunda ulardan nechitasi saqlanib qolgan?



**O'RGIMCHAK
O'Z TUZOG'IGA
NEGA
TUSHMAYDI?**



**NEGA OQ AYIQLAR
PINGVINLARNI
YEYOLMAYDI?**



3-bosqich:

"Topqirlik" viktorinasi

1. Savol: Qaysi oyda odamlar eng kam ovqat yeyishadi?
2. Savol: Nimaning tili bor, lekin gapira olmaydi?



**TELEFON
BUTKALARI NEGA
AYNAN QIZIL
RANGDA EKANLIGINI
BILASIZMI?**

Ijodiy topshiriq: "Raqamlarni izla"

Quyidagi rasmda yashiringan raqamlarni topib, ularni bir-biriga qo'shsang, gazetaning necha yillik bayrami ekani kelib chiqadi. Qani, top-chi?
Tahririyatdan eslatma: Aziz bolajon! Agar barcha savollarga to'g'ri javob topgan bo'lsang, javoblaringni ism-sharifing va rasming bilan birga bizning telegram botimizga yoki tahririyat manziliga yubor. Eng zukko bolajonlarning ismlari keyingi sonimizda e'lon qilinadi!



MUASSIS :
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
YOSHLAR ISHLARI
AGENTLIGINING BUXORO
VILOYATI YOSHLAR ISHLARI
BOSHQARMASI

Bosh muharrir :
Laylo HAYITOVA

Gazeta Buxoro viloyati Matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan
2017 yil 15 dekabrda 05-081 tartib raqami bilan ro'yxatga olingan.

BOSH HAMKOR:
O'zbekiston yoshlar ittifoqi
Buxoro viloyati Kengashi

TAHRIR HAY'ATI:
Shavkat Rahmonov
Mirali Hamroyev
Obidjon Hamidov
Shuhrat Jumayev
Jamol Nosirov
Dilshod Yo'ldoshev
Mirshod Ochilov

TAHRIRIYAT MANZILI:
Buxoro shahri, Alisher Navoiy
ko'chasi, 20-uy.

TAHRIRIYAT HISOB-RAQAMI:
20210000404114165001 "Agrobank"
Buxoro shahar filiali, MFO: 00089, OKONX:
87100, STIR: 203590296
Nashr ko'rsatkichi: 3051

ISSN 2181-6557



**SAHIFALOVCHI -
DIZAYNER:**
Xurshid Abdullayev

Gazeta "Photo Express" XICH ofset
usulida 1500 nusxada chop etildi.

Bosmaxona manzili:
Qarshi shahri, Mustaqillik
shox ko'chasi, 22-uy

Navbatchi muharrir: Zulfizar Mavlonova
Vizual muharrir: Dilnavoz To'xtayeva
Tasvirchi: Husan Hakimov

Hajmi 2 bosma taboq. Qog'oz bichimi A-3. -buyurtma.
Topshirildi — 10:00. Chop etish vaqti: 11:00
Bahosi kelishilgan narxda 27.01.2026 yil

www.buxoro-yoshlari.uz sayti orqali biz bilan birga buling.